**Ушбу сонда:**
2 КАСАБА УЮШМАЛАРИ — *Қурултойдан – қурултойгача*
3 СУБУТСИЗЛИК
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 22 октябр, шанба № 172 (2013)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## БУНИ БАРЧА КУТГАНДИ

Бухоро шаҳрида фаолият юритаётган «Ёшлар маркази»да болалар ва ўсмирларга компьютердан сабоқ бериш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг 5 миллион сўмлик грантига сазовор бўлган бизнес лойиҳаси бўйича компьютер графикаси мактаби очилди.

- Бугунги кунда болаларнинг аксарияти мактабдан қайтгач, телевизор ёнидан жилмайди, - дейди «Ёшлар маркази» сардори, лойиҳа координатори Жамила Ҳакимова. - Интернет-кафеларда компьютер ўйинларига берилганлар ҳам оз эмас. Бинобарин, уларнинг бўш вақтини оқилона ташкил этиш орқали қизиқишларини ўрганиш ва қобилиятларини ривожлантириш жуда муҳим. Компьютер графикаси мактаби ана шу долзарб масала ечимига ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда.

Мактабга жалб этилган асосан 11-15 ёшли болаларга компьютер ва компьютер графикаси ўргатиляпти, уларда турли дастурлар билан ишлаш кўникмаси шакллантириляпти.

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 октябрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.***

- Ўзбекистон билан Россия Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома доирасидаги ўз мажбуриятларини тўла-тўкис адо этмоқда, дейиш учун барча асослар бор, - деди давлатимиз раҳбари. - Ўзбекистон ва Россия ўз саъй-ҳаракатлари билан ўзаро алоқалар кўламини ҳар томонлама кенгайтириб бориш учун шароит яратмоқда.

Президент Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кўп қиррали эканлигини ва ҳамкорлик барча йўналишларда ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Россия қуролли кучларининг яқинда Жиззах вилоятидаги «Фориш» полигонида ўтказилган қўшма аксилтеррор машқлари, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг Тошкентда бўлиб ўтган мажлиси ўзаро алоқалар кенг қамровли эканлигини яққол тасдиқловчи воқеалардир.

Ўзбекистон ва Россия сиёсий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб, халқаро майдондаги ҳамкорликни ривожлантирмоқда, ижтимоий-маданий, илмий, ҳарбий-техникавий соҳадаги алоқаларни кенгайтирмоқда.

Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар халқ хўжалигининг қарийб барча тармоқларини қамраб олган. Ўзбекистон ва Россия ўртасида савдо-сотиқ, телекоммуникация, энергетика, суғурта, банк-молия соҳаларидаги ҳамкорлик, айниқса, изчил ривожланмоқда. Россия сармояси иштирокида тузилган 400 дан ортиқ қўшма корхона мамлакатимизнинг озиқ-овқат, дори-дармон, ёғочни қайта ишлаш, электротехника, қурилиш материаллари, машинасозлик саноатида, кўплаб бошқа муҳим соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Россияда Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 267 қўшма корхона фаолият юритаётир. Ўзбекистон вилоятлари билан Россия субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилган. Ўзбекистонда Россиянинг 82 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми 2003 йилдагига нисбатан 42,9 фоиз ошиб, қарийб 1 миллиард 642 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг дастлабки етти ойига доир кўрсаткич эса 1 миллиард 337 миллион доллардан ошди.

Президент Ислом Каримов ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятлари мавжудлигини ва уларнинг ишга солиниши икки мамлакат учун ҳам манфаатли эканлигини таъкидлади.

С.Лавров Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётганини, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик тамойиллари асосида ривожланиб бораётганини қайд этди. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро алоқалар, мамлакатларимизнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

# ШАРҚ ГЎЗАЛЛАРИ ТОШКЕНТДА УЧРАШАДИ

***Мамлакатимиз пойтахти яна бир нуфузли халқаро турнирга мезбонлик қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 18 октябрдаги Фармойишига биноан, спортнинг бадиий гимнастика турини янада оммавийлаштириш мақсадида 3-7 ноябр кунлари «Ўзбекистон» спорт мажмуида бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи - «Шарқ гўзали-2005» халқаро турнири ўтказилади.***

Ушбу мусобақа Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ва Бадиий гимнастика федерацияси ташаббуси билан иккинчи маротаба ташкил этилаётир. Ўзбекистонда спортнинг бошқа турлари қатори бадиий гимнастикани ривожлантиришга Президент Ислом Каримов томонидан берилаётган улкан эътиборни ва юртимизнинг ҳар қандай йирик спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш борасидаги катта тажрибасини инобатга олган ҳолда, Халқаро гимнастика федерацияси раҳбарияти ўтган йили 28 сентябр-2 октябр кунлари бу нуфузли турнирни ўтказиш учун Осиё ҳудудида илк бор мамлакатимизни танлаган эди.



Юртимизда бадиий гимнастикага оид анъаналар ўтган асрнинг 40-йилларига бориб тақалади. 1956 йилда илк республика мусобақалари - Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди. Қисқа фурсатда Ўзбекистон бадиий гимнастика мактаби дунёга танилди. Жаҳон спортининг Венера Зарипова, Алина Кабаева, Елена Холодова, Яна Батиршина каби кўплаб юлдузлари шу заминда улғайган.

Мустақиллик йилларида диёримизда бадиий гимнастикага эътибор янада ортди. Ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом этиб тарбиялашга қаратилган давлат сиёсатининг самараси ўлароқ, нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам ёш гимнастикачиларни тарбиялаш борасида ўз услубига эга мактаблар пайдо бўлди. Спортнинг бу туридаги гўзал анъаналари билан машҳур юртимизда эндиликда истеъдодли спортчиларнинг янги авлоди камол топмоқда. Олеся Ашаева, Анастасия Берестецкая, Екатерина Бабина, Рита Алимова, Ульяна Трофимова, Раъно Муҳаммедова каби мустақиллик йилларида тарбияланган бадиий гимнастикачи қизларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Терма жамоамизнинг тажрибали гимнастикачиси Олеся Ашаева 2004 йили Осиё чемпионатида бронза медалга сазовор бўлди. Кичик ёшли гимнастикачилар баҳсида қатнашган Ульяна Трофимова биттадан олтин ва бронза медални қўлга киритди. Жорий йилда У.Трофимова Португалияда ўтган нуфузли турнирда кумуш, МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари ёшлари ўйинларида биттадан кумуш ва бронза медалга сазовор бўлди. Бунгача Москвада «Олтин япроқ» халқаро турнирида ғолиб чиққан Ульянани бадиий гимнастика мутахассислари келажаги порлоқ спортчи сифатида эътироф этмоқда.

- 2004 йилдан эътиборан пойтахтимизда ўтказилаётган «Шарқ гўзали» турнири Халқаро гимнастика федерацияси дастурига киритилган йирик мусобақалардан, - деди Ўзбекистон бадиий гимнастика федерацияси бош котиби Зарина Абдуллаева. - Бу турнир нуфуз жиҳатидан Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионатига яқин туради, у жаҳон кубогининг олти босқичидан биридир. Жорий йилда жаҳон кубогининг дастлабки уч босқичига бадиий гимнастика нисбатан ривожланган мамлакатлар - Франция, Россия ва Озарбойжон мезбонлик қилди.

«Шарқ гўзали-2005» халқаро турнирида қатнашиш учун Тошкентга ўндан зиёд мамлакат миллий терма жамоалари келади. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари мусобақага жиддий тайёргарлик кўриш учун ўқув -машғулот йиғинларини Москва шаҳрида ўтказди. «Шарқ гўзали-2005» халқаро турнирида юртимиз шарафини Олеся Ашаева ҳамда Зарина Муҳаммедова ҳимоя қилади.

**(ЎзА)**

***Аввал хабар қилинганидек, 21 октябр куни Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Марказий Осиёда хавфсизлик муаммолари» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бошланди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Россиянинг «Политика» фонди Германиянинг Ф.Эберт номидаги жамғармаси кўмагида ташкил этди.***

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИК МУАММОЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Конференцияда ўзбекистонлик эксперт ва таҳлилчилар, шунингдек, Россия, Германия, АҚШ, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Исроил, Жанубий Корея ва Марказий Осиё давлатлари ва бошқа мамлакатлардан қирқдан зиёд таниқли эксперт иштирок этмоқда.

Конференцияда Марказий Осиёда вужудга келаётган геосиёсий вазият ҳамда халқаро террорчилик, диний экстремизм, наркобизнес каби хавфсизликка таҳдид солаётган муаммоларга қарши курашиш масалалари кўриб чиқилди. Айниқса ғарбона демократияни экспорт қилишга, зўрма-зўраки тиқиштиришга уринишлар хавфсизлик ва барқарорликка жиддий таҳдид солаётгани таъкидланди. Конференция қатнашчилари минтақада хавфсизлик ва барқарорликни, Марказий Осиё давлатларининг барқарор тараққиётини таъминлашда кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўлларини муҳокама қилдилар.

Атрофлича муҳокамадан сўнг экспертлар ва сиёсатшунослар, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик муаммоларини ҳал этишдаги ҳамкорлик қудратли давлатларнинг ва, биринчи галда, Марказий Осиё давлатларининг манфаатларини ўзаро инобатга олишни талаб қилади, деган хулосага келдилар. Конференция қатнашчилари таъкидлаганидек, айни вақтда минерал ва энергетик ресурсларга бой бўлган бу минтақа давлатларига очиқдан-очиқ ташқи таъсир кучайиб бораётгани ҳам кузатилмоқда.

***(Давоми 2-бетда)***

## *Ўзбекистон - Россия:*

# ҲАМКОРЛИК МЕВАСИ

***Президентимизнинг "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги Фармонига асосан Қашқадарё вилоятида ўндан ортиқ янги қўшма корхона ташкил этилди.***

Ўзбекистон - Россия азалдан бир-бирига ишончли ҳамкор. Айни пайтда вилоятда 50 та қўшма корхона фаолият кўрсатаётган бўлса, 15 таси Россия давлати билан биргаликда тузилган. Уларда 1050 дан ортиқ ишчи меҳнат қилаяпти. Йилнинг ўтган ойларида бу корхоналарда 1,2 миллиард сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Касби туманидаги Алишер Навоий номли тажриба элита уруғчилик хўжалигида россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва уруғлик чигит тайёрлашга ихтисослашган "Касби толаси" қўшма корхонаси ташкил этилди.

Низом жамғармаси 300 минг АҚШ долларига тенг янги корхонани Алишер Навоий номли тажриба элита уруғчилик хўжалиги, мамлакатимиз пойтахтидаги "Семурғ" фирмаси ва Россиянинг Екатеринбург шаҳрида жойлашган "Промторгальянс" масъулияти чекланган жамияти таъсис этди. "Касби толаси"ни ташкил қилиш учун ажратилган дастлабки маблағнинг 65 фоизи - 195 минг долларни ўзбекистонликлар, 35 фоизи - 105 минг долларини россиялик шериклар қўшишди..

Бундай корхонани тузиш ташаббусини кўпдан бери илгари суриб келган эдик. Чунки, биринчидан, Россия технологияларини ишлатиш усули мураккаб эмас, иккинчидан, қиймати анча арзон ва учинчидан, сарфланган харажатлар қисқа муддатда қопланади.

Келажакда йирик саноат мажмуасига айланадиган қўшма корхонада тўрт йўналиш бўйича иш олиб борилади. Хўжаликда етиштирилган пахта хомашёси қайта ишланиб, олинган тола ва чигитдан ип-калава, трикотаж матоси ва ўсимлик ёғи тайёрланади. Бундан ташқари корхонада уруғлик чигит тайёрланиб, уни республикамиздаги ширкат хўжаликлари ва фермерларга етказиб берилади. Энг муҳими, 200 дан ортиқ маҳаллий ёшлар иш билан таъминланади.

Китоб туманида "Sevar-Androniks" Ўзбекистон - Россия корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Уни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга экспорт қилишга ихтисослашган "O"ZMARKAZIMPEKS", "Ўрта Осиётранс" давлат акциядорлик компаниялари тумандаги Алишер Навоий, Йўлдош Охунбобоев номли ширкат хўжаликлари ва Россия Федерациясининг "Андроника" компанияси таъсис этган.

Низом жамғармаси 900 минг АҚШ долларидан иборат янги корхонанинг тўғридан-тўғри инвестициялари миқдори 360 минг долларга тенг. Эндиликда ҳудудда етиштирилган мева-сабзавотларни сақлаш, қайта ишлаш ва хорижга жўнатиш учун яна бир имконият яратилди.

***(Давоми 2-бетда)***

## *Истиқлол берган имкон*

***Оролбўйининг асосий энергия манбаи ҳисобланган нурчилар шаҳри Тахиатош истиқлол шарофати билан юксалишнинг ойдин йўлига ўтиб олди.***

# ТАХИАТОШ ЧИРОҚЛАРИ

Ҳозирги замон архитектураси ва шарқ меъморчилиги андозалари уйғунлаштирилиб қурилган кўркам ва гўзал шаҳарнинг минглаб чироқлари тунда теварак-атрофни янада чароғон этади. Тахиатош ГРЭСининг улкан миноралари олисдан кўзга ташланади. Йирик блоклар тарқатаётган электр энергияси саноат корхоналарини ҳаракатга келтиради, минглаб хонадонларга нур-зиё бағишлайди.

Иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар туфайли шаҳар халқ хўжалигининг барча тармоқларида юксак сифат ўзгаришлари рўй берди. Жорий йилнинг ўтган даврида 5 миллиард 287 миллион сўмлик саноат моллари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 миллиард 427 минг сўмлик кўп демакдир. Бундан ташқари, 863 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

Тадбиркорликка кенг йўл очилиб, мулк ўз эгасини топди. 216 та кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатаяпти. 27 та кичик корхона, 189 та микрофирма ишлаб турибди. Янгидан 20 та юридик субъект ва 82 та табдиркор рўйхатга олиниб, 200 дан ортиқ иш ўрни очилди.

Шаҳар Кенгаши депутати С.Хўжаахмедов раҳбарлик қилаётган «Тахиатошнон» хусусий корхонаси ўн бир йилдан бери аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келаяпти. Жамоада ҳар куни бир тонна нон, кўп миқдорда макарон ва кондитер маҳсулотлари тайёрланаяпти. Ҳозиргача истеъмолчиларга 200 тоннадан ортиқ сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Янги технологиялар дадил жорий этилаяпти. Туркиянинг «Экмасон» фирмасидан келтирилган нон пишириш ускунасининг ўрнатилиши муваффақиятни таъминлади. О.Бердимуратов ва Р.Таубаева сингари моҳир новвойлар тайёрлаган нон ва нон маҳсулотлари истеъмолчиларга манзур бўлаяпти.

Бирлашмамиз республика иқтисодини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиб келаяпти. Навоий-Учқудуқ-Султонўғиздоғ-Нукус темир йўли учун 27 та кўприк бунёд этилди. Нукус-Хўжайли автомобил, Амударёдан Тошсоқа қўрғонига, Нукус тумани ва Кегейли орқали Қуанишжарма посёлкасига ўтадиган йўлларга қурилган кўприклар фидойи жамоанинг яратувчилик меҳнати билан юзага келди.

230 кишилик корхонамиз ҳозирги пайтда аср қурилиши ҳисобланган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилишида қатнашмоқда. Ушбу иншоотнинг Бойсун-Дарбанд йўналишида режадаги 6 та кўприкдан 3 таси қуриб битказилди.

Қўлга киритилган ютуқларда Лисенко, Султонов, Нуржонов, Ёдгоровларнинг оилавий бригадалари, участка бошлиғи Турсунбой Нуржонов, прораб Артур Ибодуллаев, Омон Қодирбоев, ишчилар В.Анортоев, С. Кожгуров, арматурачи О.Ахмедова, Г.Жарилқагонова, А.Жамсимуратова, Р.Йўлдошева каби илғорларнинг хизмати беқиёс.

**(Давоми 2-бетда)**

## *Ўзбекистон Республикаси Олий судида*

# ФИТНАНИ ДАЛИЛЛАР ФОШ ЭТМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 15 нафар судланувчига оид жиноий иш бўйича давом этаётган суд жараёнида узрли сабабларга кўра суд мажлисида қатнаша олмаган жабрланувчилар, уларнинг вакиллари, гувоҳлар ва даъвогар фуқароларнинг дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатмалари ўқиб эшиттирилди.***

Шундан сўнг жиноят ишида мавжуд материаллар билан танишишга ўтилди. Воқеа жойини кўздан кечириш, судланувчиларнинг шахсини таниб олиш баённомалари, содир этилган террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган мулкий-моддий зарарлар бўйича суд-товаршунослик экспертизаси хулосалари билан танишилди. Тегишли суратлар, слайдлар намойиш этилди.

Дастлабки тергов давомида иш бўйича 15 нафар айбланувчи воқеа жойига олиб борилган. Улар билан холислар иштирокида текширув ўтказилган, воқеалар жараёни синчиклаб ўрганилган. Буларнинг барчаси суратга туширилган, тасвирга олинган ва белгиланган тартибда ҳужжатлаштирилган. Судда ана шу текширув баённомаси ўқиб эшиттирилди.

Баённомада қайд этилганидек, айбланувчи А.Ҳакимов 8 май куни Қирғизистондан олиб келинган қурол-яроғни «Офис лайн» фирмаси омборхонасига яшириб қўйишгани ҳақида кўрсатма берган.

Айбланувчи А.Ғозиев ҳарбий қисмга, ундан сўнг қамоқхонага ҳужум қилишда қатнашгани, у ерда бир ҳарбийни отиб ўлдиргани тўғрисида сўзлаган.

Айбланувчи Ғ.Нодиров 12 майдан 13 майга ўтар кечаси «акромий» биродарлари томонидан қамоқхонадан озод қилингач, ташқарида тарқатилаётган қурол-яроғ ичидан автомат олгани, Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармасига ҳужумда иштирок этиб, сўнг вилоят ҳокимлигига боргани, у ерда гаровдагиларни уриб-қийнаганини айтган.

Айбланувчи И.Ҳожиев 200 минг АҚШ долларини майка ва футболкасига жойлаб олиб келгани, уни Қ.Парпиев билан «Селикон» фирмасига олиб бориб Б.Раҳмоновга бергани, ҳарбий қисмга, қамоқхонага ва ҳокимлик биносига ҳужумларда қатнашгани, у ерда бир ички ишлар ходимини отиб ташлагани ҳақида гапирган.

Бошқа айбланувчилар ҳам 12-13 май кунлари қаерда қандай ҳаракатлангани ва ўзлари содир этган жиноий қилмишлари тўғрисида батафсил кўрсатма берган.

Айбланувчилар баён этган ҳолатлар бўйича фотосуратлар намойиш этилди.

«Акромийлар» диний оқими аъзоларидан 23 нафарининг суди бўлган Андижон шаҳар суди биноси атрофидаги ва вилоят ҳокимлиги олдидаги воқеалар тасвирга олинган видеокассеталар бўйича экспертиза комиссиясининг хулосаси тақдим этилганидан сўнг судда мазкур видеотасвирлар намойиш этилди.

Айни пайтда қамоқда бўлган, ушбу жиноий иш бўйича гувоҳ сифатида кўрсатма берган Одилжон Усмоновнинг айтишича, шаҳар суди биноси олдидаги «пикет»ни тасвирга олиш учун Шариф Шокиров, вилоят ҳокимлиги олдидаги «тинч намойиш»ни тасвирга олиш учун эса Ҳаётулло Мадаминов унга видеокамера берган. Воқеалар бошқа видеокамераларда ҳам тасвирга туширилган.

Видеотасвирда суд биноси олдидаги «пикет»да бир хил костюм кийиб, галстук таққан кимсалар, рўмол, ҳижобга ўранган хотин-халаж тўплангани, шу яқин жойда ижарага олинган хонадонда учтўрт кимса кўчани кузатиш баробарида, «намойишчилар»га тарқатиш учун мўлжалланган юзлаб пакетлардаги озиқ-овқатларни қўриқлаб тургани намоён бўлади.

Шу ўринда суд мажлисида гувоҳлик берган Улуғнор туманидан келган сут соғувчи Мавлуда Қозоқованинг сўзларини келтириш жоиз: «Фермамизнинг Раҳматулло деган иш юритувчиси 8-9 май кунлари: «Опа, Андижонга бориб келамиз», деб мен билан бирга 15 кишини микроавтобусда шаҳар суди олдига олиб келди. Бир неча юз киши қатори кун бўйи ўша жойда ўтирдик. Кетаётганимизда биттадан пакет беришди. «Нима бу? Керакмас», деганимга қарамай: «Олиб қўяверинг», деб қўлимга тутқазди. Ичида шакар, печенье ва шунга ўхшаш майда-чуйда нарсалар бор эди».

«Акромийлар» вакилларининг ёппасига янги, пўрим либосларни кийиб олиши, таниш-билишларнинг уюшган ҳолда транспортда олиб келиниши, «пикетчи»ларга марказлаштирилган тартибда озиқ-овқат тарқатилиши, хорижий журналистларнинг бир зумда ҳозиру нозир бўлиши - буларнинг барчаси шаҳар суди биноси олдидаги «пикет» яхшигина молиялаштирилган ва пухта ташкиллаштирилган, дейиш учун асос бўлади.

«Пикет» ташкилотчилари хавфсизлик масаласига жиддий эътибор берган. Тўданинг замонавий техника воситалари билан таъминланган қўриқчилари-ю айғоқчилари ҳам бўлган. Видеотасвирда ана шу айғоқчилар томонидан «шубҳали шахс» - қизиқиб майдонга келиб қолган ва ўзини «юридик коллеж талабаси» деб таништирган йигитчанинг машина ичига олиб кирилиши ва И.Ҳожиев томонидан сўроқ қилиниши жараёнлари акс этган.

Навбатдаги видеолавҳаларда тартибсизликлар кучая бориб, жиноятчилар ёқиб юборилган автомобиллар билан йўлларни тўсиб қўйгани, театр ва кинотеатр биноларининг ёнаётгани, яқин атрофдаги уйларнинг томларига снайперлар жойлаштирилгани, жангарилар ички ишлар ходимларини гаровга олиб кела туриб: «Қаршилик кўрсатсанг, отвораман» дея пўписа қилаётгани, бу каби ҳаракатларда, айниқса, 15 нафар судланувчи алоҳида фаоллик кўрсатаётганини кузатиш мумкин.

Бир лавҳада видеотасвирчи: «Ҳорманглар, тарихга тушириб қўяй сизларни», деб панжара ортида ётган қуролли шерикларига яқинлашмоқда. Бошқа жойда бир тўда кимса шишаларда ёндирувчи, портловчи мосламалар тайёрлаяпти. Камера ўзига қаратилганини кўрган томдаги жангари снайперлик қуролини кўтаради. «Сенга ярашибди», деб оператор уни рағбатлантирган бўлади.

Бирдан пала-партиш ўқ овозлари эшитилиб қолади. «Ким отаяти, ким отаяпти?» деган ваҳимали саволга шу заҳотиёқ: «Ўзимизникилар, ўзимизникилар», деган бақир-чақирлар билан жавоб қайтарилгани қулоққа чалинади.

Шундан сўнг «тинч намойишчилар» олдида сўзга чиқувчилар пайдо бўлади.

Тасвирнинг яна бир жойида хорижий журналистларнинг жангарилар ўраб олган дарвозадан кириб келаётгани акс этган. Қуролли кимсалардан бири: «Текширайликми?» деб «каттаси»дан сўраганида, у: «Йўқ, текширмай олиб киравeринглар», дейди. Хориж мухбирлари пайдо бўлиши билан «намойиш аҳли»ни бошқариб турганлар ўз гапларига сиёсий тус беришга урина бошлайдилар.

Бир жойда уч-тўрт ўспирин «Нексия» машинасини бўлаклаб, талон-торож қилиш тараддудида экани тасвирланган. «Акромийлар» оператори ёшларни жиноий йўлдан қайтариш ўрнига, бу манзарани хотиржам тасвирга олишда давом этади...

Ҳа, жангарилар ўз «хожа»ларига ҳисобот бериш, кетган сарф-харажатларни ўзига хос тарзда ҳужжатлаштириш, шунингдек, «тарихда қолиш» илинжида иштиёқ билан тайёрлаган видеотасвирлар бугун уларнинг жиноий хатти-ҳаракатларини фош этишда муҳим ашёвий далил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Ғулом МИРЗАЕВ,**
**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

# ТАХИАТОШ ЧИРОҚЛАРИ

*Истиқлол берган имкон*

(Боши 1-бетда)

Моддий манфаатдорлик ошиб бормоқда. Ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 130 минг сўмга тўғри келмоқда.

Шаҳардаги 4-умумтаълим мактаби ўқувчилари ўқув йилини янги бинода бошладилар. Лойиҳа қиймати 269,9 миллион сўмлик 664 ўқувчига мўлжалланган кўркам иморатни «Гули-С» хусусий корхонасининг қўли гул қурувчилари бунёд этдилар. Халқ таълими бўлимига қарашли 6-ўрта мактаб ҳам қурилиш-таъмирлаш ишларидан сўнг ўзгача кўркка эга бўлди.

Фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида муайян ишлар амалга оширилди. Туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига 1726 киши мурожаат қилган бўлса, улардан 1086 нафари ишга жойлаштирилди, 661 кишига ишсизлик нафақаси тайинланди. Аҳолини ишга жойлаштиришга кўмаклашувчи жамғарма томонидан 12 тадбиркорнинг ҳар бирига 250 минг сўмдан имтиёзли кредит берилди. «Йўлкўприкқурилиш», «Сувқурилиш», «Тахиатошқурилиш» бошқармаларида янги технологияларнинг қўлланиши эвазига ўнлаб иш ўринлари очилди.

Шаҳардаги «Уруш ва меҳнат фахрийлари» санаторийси кекса авлод вакиллари дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган севимли масканга айлантирилган. Шифохонада Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган 1400 дан ортиқ фахрийлар соғлиги тикланди. Олий тоифали ҳаким Жумагул Алиева бошчилигидаги меҳрибон шифокор ва ҳамширалар намунали хизматлари билан дам олувчилар эътиборини қозонишган.

Ҳалима Ибодуллаева раҳбар бўлган марказий шифохона тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси томонидан 6 миллион сўмлик сув тозалаш ускунаси олиб берилди. 158 номдаги 8,5 миллион сўмлик дори-дармонлар билан таъминланди. УВЧ-30, парафин-қиздириш, ингаляция ускуналари олинди.

Келажак авлодга ғамхўрлик кўрсатилаётганлигини 90 нафар кичкинтой тарбияланаётган 12-болалар боғчаси мисолида кўриш мумкин. Ўз касбини пухта эгаллаган тажрибали педагог Фотима Имоматдинова мудиралик қилаётган таълим-тарбия маскани тўлиқ компьютерлаштирилган. Болаларга лотин алифбоси ва хорижий тиллар ўргатилади. «Йил тарбиячиси-2005» кўрик-танловида мураббий Р.Ешманова республикада фахрли ўринни эгаллади.

«Учинчи минг йиллик боласи» дастури асосида мактабгача тарбия муассасасида ўтказилган «Ким эпчилу ким чаққон?», «Соғломжон ва полвонжон», «Боғча маликаси», «Қўшиқ куйлаб, етдик муродга» каби кўрик-танловлар Қорақалпоғистон телевидениеси орқали намойиш этилди.

Етим-есирлар, ногиронлар, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиш анъанага айланган. Яқинда туман ички ишлар бўлими паспорт столи бошлиғи майор К.Давлатёров болалар уйига ташриф буюриб, уларга қимматбаҳо совға-саломлар, озиқ-овқат маҳсулотлари топширди.

Жисмоний тарбия ва спорт ҳар бир оилага кириб бормоқда. Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 650 нафар ўғил-қиз шуғулланаяпти. Оғир атлетика, миллий кураш, бокс, баскетбол, шахмат-шашка турлари бўйича билим берилаётган илм ўчоғидан юзлаб довруғли спортчилар етишиб чиққан.

Сидней ва Атлантадаги олимпия мусобақалари иштирокчиси, Осиё ўйинлари кумуш медали соҳиби, халқаро тоифадаги спорт устаси, Ўзбекистон чемпиони Бахтиёр Нуруллаев, унинг укаси ёшлар ўртасида Осиё чемпиони Саломат Нуруллаев каби оғир атлетикачиларни мамлакатда яхши билишади. Фарзандларининг довруғ қозонишида уларнинг оталари, таниқли спортчи «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи» Обод Нуруллаевнинг ҳиссаси салмоқли.

Олий тоифали мураббий иш фаолияти давомида 22 та спорт устаси ва ўнлаб мамлакат, Осиё, жаҳон чемпионларини тарбиялаб вояга етказди. Осиё чемпионлари Фозилбек Ўразрембетов, Рустам Жумамуротов сингари ёшлар Обод аканинг шогирдлари эканликлари билан фахрланадилар.

**С.СЕРИКБОЕВ,**
**Тахиатош шаҳридаги 14-кўприк қурилиш бирлашмаси раҳбари**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИК МУАММОЛАРИ МУҲОКАМАСИ

(Боши 1-бетда)

Шу нуқтаи назардан қараганда, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, террорчилик ва наркобизнесга қарши кураш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ечиш масалаларида минтақа давлатларининг ягона ёндашувга эришиши энг асосий вазифага айланмоқда.

Конференцияда диний-экстремистик тўдаларнинг қўпорувчилик фаолияти, Ғарб давлатларидаги муайян сиёсий доираларнинг душманларга хос ҳаракати натижаси бўлмиш Андижондаги фожеали воқеалар ҳам муҳокама этилди. Бу сиёсий доиралар табиий ва моддий-хомашё ресурсларига бевосита эгалик қилиш, бу ерда ўзларининг стратегик манфаатларига мос келадиган тартибни ўрнатиш мақсадида минтақада яккаҳокимлик қилишга уринмоқда.

Айрим хорижий оммавий ахборот воситалари ва халқаро тузилмалар талқин этаётганидек, гўё ижтимоий-иқтисодий омиллар туфайли юзага келган «халқ исёни» ҳақидаги гаплар ҳеч бир ақлга сиғмаслиги таъкидланди. Бу қўпорувчиликда қурол ишлатилгани, объектларга ҳужум қилингани, жиноятчиларнинг қамоқхонадан чиқариб юборилгани, одамларнинг гаровга олингани, вилоят маъмурияти биноси эгаллангани, қабул қилинмаслиги аввалдан аён бўлган талаблар қўйилгани (террорчилик фаолияти билан шуғулланган учун қамалган шахсларни озодликка чиқариш) - буларнинг барчаси яхши режалаштирилган, ҳар томонлама пишиқ-пухта ишлаб чиқилган, узоқни кўзловчи мақсадларга эга бўлган кучли марказлар томонидан Ўзбекистондан ташқарида туриб бошқарилган террорчилик ҳаракатига хос белгилардир.

Экспертлар Андижондаги фожеали воқеалар чоғида радикал-экстремистик кучлар ёрдамида давлат тўнтариши уюштиришга, қонуний конституциявий тузумни ағдаришга уринишнинг олди олинганини, мамлакатнинг ўз мустақил йўли, шаън-шавкати сақлаб қолинганини қайд этдилар.

Андижон воқеалари сценарийчиларининг Ўзбекистонда миллий парокандаликни юзага келтириш борасидаги умидлари пучга чиқди, аксинча, кўп миллатли халқ ва жамият янада жипслашгани конференцияда алоҳида таъкидланди.

Янги сиёсий тузумга ўтиш ва геосиёсий йўналишни белгилашда Марказий Осиё мамлакатларига айрим ғарб давлатларининг ўз йўриқларини тиқиштиришдек бузғунчилик амалиёти, шунингдек, бу борада бузғунчи мухолифатни радикал-экстремистик кучлар билан бирлаштиришга ва уларга «демократик», халқ озодлиги ҳаракати мақомини беришга бўлаётган уринишлар экспертлар томонидан танқид қилинди.

Бу мавзудаги аксарият маърузаларда мўрт демократияни илгари суриш режалари, «рангли инқилоб»ларни ташкил этиш ва амалга ошириш минтақадаги вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам бермаслиги, боз устига, бу хатти-ҳаракатлардан учинчи куч - минтақада халифалик тузумини ўрнатишга уринаётган ўта радикал экстремистик марказлар фойдаланиб қолиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилди.

Конференция қатнашчилари демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг барча давлатлар учун бирдек мос келадиган ягона андозалари йўқлигини алоҳида қайд этдилар. Мамлакатларнинг қай даражада демократик эканлигини белгиловчи умумий мезон ва ўлчовлар ҳам мавжуд эмас.

Конференция 22 октябрга қадар давом этади. Экспертлар минтақада иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги муносабатларни ривожлантириш, шунингдек, Марказий Осиё давлатларининг барқарор тараққиётини таъминлаш масалаларини ҳам муҳокама этадилар.

**Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*Ўзбекистон - Россия:*

# ҲАМКОРЛИК МЕВАСИ

(Боши 1-бетда)

Вилоятда ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ Қарши туманида қишлоқ хўжалиги техникаларини эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш мақсадида "Дониш-сервис-импекс" қўшма корхонаси ташкил топди. Қозоғистоннинг "Икон-I" ва "Ҳажи-Х" ширкатлари ҳамда воҳадаги "Мезон" фермер хўжалиги, "Нурафшон" масъулияти чекланган жамияти ва "Қарши туман МТП" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхонада юздан ортиқ маҳаллий йигит-қиз ишламоқда.

Яқин арафада Яккабоғда чиннивор идишлар тайёрлаш, Китобда мева-сабзавотларни қуритиш, қайта ишлаш корхоналари ҳам ишга туширилади.

Хорижий инвесторлар ҳамкорлигида вужудга келган янги қўшма корхоналар Қашқадарёнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаяпти.

**З.АСРОРОВ,**
**Касби туманидаги А.Навоий номли тажриба-элита уруғчилик хўжалиги раҳбари**



*Данғара туманида қишлоқ гузарлари қурилишига катта эътибор қаратилмоқда. Гузарларда аҳоли эҳтиёжи учун керакли бўлган хизмат кўрсатиш шахобчаларининг бунёд этилаётганлиги маҳалла аҳлининг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда.*

*Яқинда тумандаги «Янги қишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида замонавий қишлоқ гузари қуриб битказилди. Қишлоқ тадбиркорлари саъй-ҳаракатлари билан ташландиқ ҳудудда бунёд этилган мажмуада тикувчилик цехи, дорихона, новвойхона, сартарошхона, ошхона, чойхона, нон цехи, савдо дўкони, кутубхона ва кичик бозорча барпо этилди.*

**Суратда: маҳалла фуқаролар йиғини кўриниши.**

**Ш.ОЛИМОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

## ҲАРБИЙЛАРНИНГ ҲОВЛИ ТЎЙИ

Ҳарбий хизматчи Турсун Алимовнинг қувончи чексиз. Оиласи билан ижарада яшаб келаётган капитанга уч хонали квартира берилди. Фақат у эмас, балки Т.Алимовнинг кўплаб ҳамкасблари ҳам ҳовли тўйларини нишонлайдиган бўлди.

Бухоро вилояти марказининг 5-мавзеида Жанубий-ғарбий минтақавий штаб ҳарбий хизматчилари учун 32 хонадонли кўп қаватли шинам уй фойдаланишга топширилди. Уни «Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 5-қурилиш-монтаж фирмаси бунёдкорлари барпо этди.

Уйни фойдаланишга топшириш маросимида сўзга чиққанлар Қуролли Кучларимиз сафини ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол офицер ва аскарлар билан тўлдириш, ҳарбийларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб, барча қулайликларга эга бўлган ушбу турар-жой биносининг ҳарбийларга берилиши мамлакат осойишталигини, унинг чегаралари дахлсизлигини таъминлашда фидойилик кўрсатаётган аскар ва офицерларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ғамхўрлик намунаси эканини таъкидладилар.

# БОЙ МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ

## истиқлол ғояларига хизмат қилмоқда

Меҳнаткашларнинг онги ҳамда қалбида юксак маънавий фазилатларни камол топшириш, ёшларни бой маданий меросимиз, урф-одатларимиз, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш касаба уюшмалари фаолиятининг асосий вазифаларидан биридир. Бу борада Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Маъданий - маърифий ишларни ривожлантириш жойлардаги барча тармоқ касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида ўз аксини топмоқда.

Бугунги кунда тармоққа қарашли маданият масканларида 31 та ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд. Уларда 1 мингдан зиёд иштирокчилар санъат сирларини қунт билан ўзлаштирмоқдалар. Мавжуд 16 та кутубхоналардаги китоблар жамғармаси 49 минг 200 тани ташкил этади. Айни пайтда улардан 9120 нафар китобхон фойдаланмоқда. Кутубхоналарни мустақиллик йилларида чоп этилган адабиётлар билан бойитиш борасида «Бухоротекс» акциядорлик жамиятида, «Тошшаҳаргаз», «Хоразмгаз» ҳудудий газ таъминот корхоналари, «Хива гилами», Самарқанд вилоятидаги «Нафис» акциядорлик жамиятларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда тармоқда маданий-оқартув тадбирларига 30 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Корхона ва ташкилотларда «Маънавият-маърифат» хоналари, бурчаклари ташкил этилиб, улар Президентимиз асарлари, улуғ алломаларнинг бадиий адабиёт намуналари билан таъминланди.

Касаба уюшма ташкилотлари Давлат дастурлари асосида жойлардаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» ва хотин-қизлар кенгашлари билан ҳамкорликда тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, улар босқичма-босқич амалга ошириляпти. Ўтган даврда «Ўзбекистон-Ватаним маним», «Куйлайман сени, Ўзбекистон!» «Намунали маҳалла», «Энг саришта оила», «Ибратли келин» каби мавзуларда 450 дан зиёд кўрик-танловлар ўтказилди.

Ёшларда миллий истиқлол ғояларини ҳамда ватанпарварлик туйғуларини сингдиришга қаратилган 200 дан зиёд учрашув ва суҳбатлар уюштирилди. Адабиёт ва санъатимиз намоёндалари билан бир қатор учрашув ва ижодий кечалар ташкил этилди. Махсус тадбирлар асосида ногиронлар, ёрдамга муҳтож оилалар, етим болалар ҳамда ёлғиз кексаларга мурувват ёрдамлари кўрсатилмоқда.

Шу билан бир қаторда маъданий-маърифий ишларни тўғри йўлга қўйиш борасида бир қатор камчиликлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Навоий вилоятининг Қизилтепа туман коммунал фойдаланиш корхонаси, Кармана ичимлик суви бўлими, Қашқадарё вилоятининг «Санам» ҳиссадорлик жамиятида маънавият хоналари ташкил этилмаган. Борларида ҳам аҳвол қониқарсиз. Мазкур ташкилотларда суҳбат ва учрашувлар ҳамда маданий тадбирлар махсус режа асосида ўтказилмаяпти. Айрим корхона ва ташкилотларда фақатгина умумхалқ байрамларини нишонлаш билан чекланиб қолинмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда маъданий-маърифий тадбирлар учун харажатлар етарли даражада сарфланмаган. Шу боисдан тармоқ касаба уюшма ташкилотларида уч босқичдан иборат бўлган кўрик-танловлар ўтказиш тўғрисидаги Марказий Кенгашнинг қўшма қарорлари бажарилишида Жиззах ва Сирдарё вилоятларида лоқайдликка йўл қўйилди. Корхона ва ташкилотлардаги молиявий қийинчиликларни рўкач қилган ҳолда ушбу тадбирларнинг ҳатто дастлабки босқичида ҳам тўлиқ оммавийлик таъминланмади. Натижада икки вилоят меҳнаткашлари бадиий ҳаваскорлар кўрик-танлови ҳамда спартакиадаларнинг 2- ва 3-босқичларида иштирок эта олишмади.

Ушбу масалага муносабат ва ёндашувни ўзгартириш, камчиликларни бартараф этиш учун корхона ва ташкилотлар маъмуриятлари ҳамда касаба уюшма ташкилотлари барча чораларни кўришлари зарур. Чунки биз маънавий жиҳатдан юксак жамият қураяпмиз. Демак, саъй-ҳаракатимиз ҳам шунга яраша бўлиши зарур.

**Т.ТОШХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши бўлим мудири**

*Қурултойдан — қурултойгача*

# ЯНГИЧА ШАРОИТ

## уддабуронлик ва изчилликни тақозо этади

***Давр ўзгараяпти. Марказлашган ҳолда бошқарув ўрнини шартномавий муносабатлар эгаллаяпти. Пайариқ туманида қишлоқ хўжалик соҳасида тўлиғича фермерлик жорий қилиниши бунинг яққол далилидир. Янгича шароитда ишлаш касаба уюшма фаолларидан ҳам ҳар бир масалага ўзига хос тарзда ёндошувни тақозо этмоқда.***

Ҳар қандай ўзгаришларга қўл урилганда, унинг натижаси яхши бўлишига умид қилинади. Шунингдек, ўзгаришлар жараёнида ютуқлар ҳам, ўзига хос муаммолар ҳам бўлиши табиий. Кучли жамият барпо қилишнинг асосий шартларидан бири ўз-ўзини бошқарувнинг қарор топишидир. Қуйи ташкилотларнинг ўзаро шартномавийлик асосида қонуний муносабатларни шакллантириши бунинг асосий омилидир. Туманимизда фермерлик ҳаракати тўлиқ жорий қилиниши ана шунга имкон берди. Ҳозир туманда 1 минг 186 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларда 18 минг 366 киши ишлайди. Бундан ташқари, мавсумий ёлланма ишчилар бор. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурати ҳамиша мавжуддир. Фермер хўжаликларининг тарқоқлиги, оилавийликка асосланганлиги, аъзолар сони камлиги бу масалага янгича ёндошувни тақозо этади. Илгари ширкат хўжаликларида қўлланилган жамоа шартномаларини ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгилаш керак бўлиб қолди. Ўтиш даврида бу борада камчиликларимиз борлигини яширмаймиз. Асосий мақсад касаба уюшмаларининг мавқеини, таъсирчанлигини сақлаб қолишдир.

Ширкат хўжаликларидаги касаба уюшмалари ўрнига ҳозирча ҳудудийлик тамойили асосида туман кенгашининг вакиллари фаолият юритмоқда. Вакиллар меҳнат қонунларида ва шартномаларида белгиланган ижтимоий имтиёз ва кафолатларнинг қўлланилиши, меҳнат муҳофазаси тадбирларининг амалга оширилишини назорат қилади. Касаба уюшмалари зиммасидаги вазифаларнинг бажарилишига қаратилган тадбирларни амалга оширишни ташкил қилади. Келгусида мана шундай бирлашув негизида ҳудудий касаба уюшма ташкилотларини тузиш мўлжалланмоқда.

Илгаригидек туман ҳокимлиги билан тармоқ битими имзоланган. Фермер хўжаликлари билан эса ўзаро шартномалар тузилган. У анъанавий жамоа шартномаларидан фарқ қилади. Уларда меҳнат қонунларига риоя қилиш, меҳнат муҳофазасини ташкил этиш каби асосий масалалар қайд этилган. Кейинги йилларда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликдаги изланиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш тадбирларини қўллаш натижасида фермер хўжаликларида ходимлар билан истисносиз тарзда меҳнат шартномаси тузишга, ходимлар сони ҳар бир гектар ерга бир кишидан тўғри келишига эришилмоқда.

Очиғини айтганда, мулкчиликнинг бу шаклида меҳнат муносабатларига оид муаммолар ечими йўлларини тажриба тариқасида қўллаяпмиз. Чунки бу борада ҳали аниқ меъёрлар, қоидалар ишлаб чиқилгани йўқ. Юқорида таъкидланганидек, фермер хўжаликларида иш оилавийликка, қисқа муддатли мавсумий ёлланма меҳнатга асосланганлиги ўзига хос қийинчиликлар туғдиради. Иш берувчи фермерлар ҳам, ходимлар ёки ёлланма ишчилар ҳам ўз меҳнат ҳуқуқларини расмийлаштиришга одатланишлари керак. Бундан ташқари, қишлоқ тадбиркорлари фермерлар уюшмасига тўлиқ аъзо бўлмаганлиги, уларнинг ҳисоб рақамлари турли банкларда (ҳатто турли шаҳарларда) жойлашганлиги ҳам баъзан ишга тўсқинлик қилади. Шунга қарамасдан, соғломлаштириш, меҳнат муҳофазаси, бадаллар тушуми бўйича туманимиз вилоятда юқори кўрсаткичга эришмоқда.

Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга даъват этилган. Бу вазифани уддалаш учун аввало меҳнаткашларнинг, қолаверса, иш берувчиларнинг ҳам ҳуқуқий саводхонлигини ошириш керак. Ҳар икки томон қонунда белгиланган мажбуриятларини бажарса, ҳеч қандай муаммоларга ўрин қолмайди. Касаба уюшмалари бу борада ташкилий-маърифий ишларнинг ташаббускори бўлиб қолади, деб ўйлайман.

**К.ГАДОЕВ,**
**Пайариқ туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси**

## ТИЛ МАДАНИЯТИ ВА МАЪНАВИЯТИ

***Тил - миллат руҳи, унинг асосий белгиси, маданиятининг кўзгусидир. Мамлакатимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан сўнг у янада равнақ топиб, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида тўла амал қила бошлади. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунида давлат тили расмий амал қилинадиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилиши муҳимлиги белгилаб қўйилган.***

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 16 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган «Телерадио: тил маданияти ва маънавияти» мавзуидаги семинарда шулар ҳақида сўз юритилди. Ушбу тадбир қуйи палатанинг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилди.

Мазкур қўмита раиси Х.Дўстмуҳамедов бошқарган анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар ва ёзувчилар, олий ўқув юртлари талабалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда давлат ва мустақил телерадио каналлари бошловчиларининг тилдан фойдаланиш маҳорати, уларнинг она тилимизга муносабати хусусида маърузалар тингланди.

Ўзбек тилининг мавқеини янада юксалтириш, тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг барча қонун-қоидаларига қатъий амал қилиш, сўз ва ибораларни тўғри талаффуз этиш ва ёзиш, қабул қилинган умумадабий тил меъёрларига риоя этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Телевидение ва радиода бошловчиларнинг нутқ маҳоратини янада ошириш учун махсус машғулотлар ўтказиш юзасидан тавсиялар берилди.

**(ЎзА)**

# ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

***Қибрай туманидаги «Маданият» ширкат хўжалигини пойтахтликлар ҳам яхши билишади. Чунки, шириндан - шакар турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари уларнинг дастурхонини безаётганидан ташқари, кўпда кўп омилкорлар маданиятликлар сафига келиб қўшилган.***

Қишлоқ аҳолиси сони 12118 тага етганлиги ҳам бежиз эмас. Йил охирига қадар яна 75 оилага янги ер участкаси бериш режалаштирилган.

Ширкат хўжалиги фаолияти асосан оила пудрати замирига қурилган бўлиб, умумий экин майдони 459 гектарни ташкил қилса, шундан 350 гектарида ғалла, 50 гектарида сабзавот экинлари, қолганида озуқабоп экинлар етиштирилмоқда. 140 гектар ерда мева- боғдорчилик, 30 гектарида узумчилик йўлга қўйилган.

Ҳар бир ширкат аъзосининг ўртача ойлик маоши 60-70 минг сўмни ташкил қилмоқда. Бу йилги етиштирилган 1509 тонна ғалланинг 961 тоннаси давлатга топширилиб, қолган қисми ишчилар, уруш қатнашчилари, пенсионер-ногиронлар, кам таъминланган оилаларга тарқатилди. Қишлоқ аҳолиси шу кунгача ичимлик суви, газ ва электр энергияси билан тўлиқ таъминланган. Деярли ҳар бир оила ўзининг иссиқхонасига, енгил автомашинасига эга.

Қишлоқдаги мавжуд 5 та ўрта умумтаълим мактабларида 2892 ўқувчи таҳсил олмоқда. Иккита болалар боғчасида эса 213 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. 2 та қишлоқ врачлик пункти хизматидан аҳоли мамнун. Шунингдек, 10 ўринли кундузги муолажа хоналари ишлаб турибди. Йил охирига қадар яна бир қишлоқ врачлик пунктини ишга тушиши режалаштирилган. 3 та хусусий стоматология бўлими, дорихона, этикдўзлик, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари эл корига ярамоқда. Тадбиркорлар томонидан қурилган 7 та оталар чойхонаси, бассейн, сауна, қадимий усулдаги ҳаммом, янги тўйхона ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Вилоят, туман соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан келгусида ҚВПларни қайта замонавий таъмирлаш учун 25 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ширкат хўжалиги аъзолари, ўқитувчи, хизматчилар таътил даврида ҳар йили касаба уюшмаси томонидан «Ботаника», «Турон», Зангиота сиҳатгоҳларида, Қибрай марказидаги «Нуроний» жамғармасининг дам олиш уйларига юборилмоқда.

Замонавий услубда қурилган «Мафтуна» корхонасида ёшлар кийим-кечак тикиш, радио-телевизор тузатиш, пазандачилик сирларини ўрганишмоқда.

– Катталар ўртасида ташкил этилган футбол гуруҳи мухлисларда катта таассурот қолдирмоқда, – дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Анорбоев. – Ёш спортчилар орасида туман, вилоят миқёсида ўтказилган тадбирларда совринли ўринларни эгаллаганлар ҳам талайгина.

Қишлоқ клуби ҳамиша гавжум. Бу ерда доимий равишда турли хил тадбирлар ўтказилади. Ёзувчи, шоирлар билан учрашувлар одат тусига кирган. Муқимий номидаги мусиқий, Аброр Ҳидоятов номли ҳамда Сатира театрлари жамоалари ва концерт ташкилотлари аҳолига мунтазам хизмат кўрсатиб келмоқда.

**Р.ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

